

**Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят  
ахборот-кутубхона маркази  
Ўлкашунослик сектори**



**Уч урушни кўрган адиб**

**Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим  
таваллудининг 100 йиллигига**

**Эслатма**

**Фарғона - 2016**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Иброҳим Раҳим (тўлиқ исм-шарифи Раҳимов Иброҳим Абдураҳимович) 1916 йил 15 октябрда Фарғона вилояти, Қува туманида таваллуд топган. У 13 ёшидан далада турли юмушлар билан банд бўлди. Қишлоғидаги мактабда ўқиб, маърифатли бўлиш билан бирга саводсизликни тугатиш синфларида ўзи ҳам сабоқ берди. Ёш бўлишига қарамай, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этди ҳамда қишлоқда чиқадиган деворий газетага муҳаррирлик қилди. Бу йиллар бўлажак адиб ижоди учун бой ҳаётий материал берди. У кўплаб ҳикоя ва очерклари, қисса ва романлари, публицистик мақола ва киносценарийлари, драматик асарлари билан адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Иброҳим Раҳим 1937-1940 йилларда армия сафида аскарлик бурчини ўтади, Ёш Иброҳимжон армия сафидан қайтиб, “Қизил Ўзбекистон” газетасида ишлаётган бир пайтда немис-фашист газандалари Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирди. Урушнинг биринчи куни Иброҳим Раҳим фашизмга қарши ёзган мақоласини газета таҳририятига топшириб, фронтга жўнаб кетди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида адибнинг иродаси тобланди, “Жанговор вазият ўтхонасида” қалами янада ўткирлашди. У уруш бошидан то Ғалабагача Ғарбий фронтда, иккинчи Болтиқбўйи, иккинчи Белоруссия фронтларида сапёр, журналист, сиёсий ходим, танк қисмлари командири сифатида жанг қилди, у қонли жангларда жасорат кўрсатди, қалами тиғи билан қуролдошларини она-Ватан тупроғини душмандан тозалашга, ғалабани тезлаштиришга даъват этди.

Шу йилларда унинг “Шавлани кавлаганда”, “Чегарадан ўтган думсиз ит”, “Фалакнинг гардиши”, каби ҳикоялари бир қанча газеталарда эълон қилинди. Адиб ўзининг дастлабки йирик асари “Баҳодир” поэмасини яратди. Асар 1939 йили “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” журналида босилди ва орадан кўп ўтмай, Республика Ёзувчилар уюшмаси уюштирган бадиий асарлар танловида фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди. Асарга берилган мукофот ёш адибни руҳлантириб, ўз кучига ишончини мустаҳкамлади. Поэма ҳаётий кузатишлар самараси сифатида майдонга келди, унда ёш ижодкор ўзи кўрган билганларини бадиий ифода этишга интилганди.

Иброҳим Раҳим фронтда бўлса ҳам ўз ҳалқи, она юрти билан доимий мулоқотда бўлди, жасоратга, мардликка чорловчи мактубларни мунтазам равишда олиб турди. Шу билан бирга жанггоҳларда Илья Эренбург ва Константин Симонов билан бўлган учрашувлар адибга илҳом бахш этди. Адибнинг уруш йилларида яратилган “Партизан”, “Германия юрагида” каби қатор ҳикоя ва очерклари ўша давр адабиётининг умумий мавзуси бўлган ватанпарварлик ғояси билан суғорилган эди. “Чин муҳаббат” романининг биринчи қораламаси ҳам фронтда ёзилганди. Бу асарларда ёзувчи Ватан ҳимоясида жасорат кўрсатаётган баҳодир ўзбек жангчилари қиёфасини гавдалантириш билан бирга, фронт орқасида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг жонбозликларини тасвирлайди.

Иброҳим Раҳим уруш давомида бир неча бор яраланди. Шунга қарамай, у Гитлер Германияси устидан қозонилган тарихий ғалаба тантанасини

Берлинда ўтказди. Иброҳим Раҳим моҳир адиб сифатида жуда ибратли мавзу ва муаммоларни кўра олди, уларни ўта сезгирлик ва ҳозиржавоблик билан ўрганиб, асар негизига қўяди. Шу тариқа публицистик руҳ ёзувчи услубининг етакчи қиррасига айланди. Иброҳим Раҳимов урушдан кейинги йилларда Республика радиосида, газета таҳририятида фаолият кўрсатди, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раиси, “Ўзбекфильм” киностудиясида директор лавозимида, Ўзбекистон Давлат Кинематография кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ҳамда “Тулистон”, “Муштум” журналларида бош муҳаррир лавозимида меҳнат қилди.

Иброҳим Раҳим ўз асарларида халқимиз иродасини, меҳнатсеварлигини, шижоатини тасвирлади. У “Сен туғилган кун”, “Мангулик қўшиғи” қиссаларида “Фидойилар”, “Генерал Равшанов” романларида иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонларининг ҳаётини, ўзбек халқининг уруш йилларидаги меҳнат жасоратини акс эттирган. “Ихлос”, “Тақдир”, “Тинимсиз шаҳар”, “Оқибат” каби романлари янги ерларни ўзлаштириш, ёшлар ўртасидаги дўстлик ва муҳаббат, Тошкент зилзиласида ўзбек халқининг сабр-матонати ҳамда қаҳрамонликларига бағишланган.

Иброҳим Раҳим мустақиллик йилларида ҳам сермахсул ижод қилиб, бир канча қисса, ҳикоя ва очерклар “Қурбонингман”, “Ҳаётни асранг, одамлар” китобларига жамланган. Шу билан бирга у “Жоним фидо” ва “Чақмоқ” драмалари, “Зангори олов кишилари”, “Қалбингда қуёш”, “Фарҳоднинг жасорати”, “Аҳмад Фарғоний” киносценарийлари муаллифи.

Иброҳим Раҳим сермахсул ижоди учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори бўлди. “Дўстлик”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан мукофотланди. Иброҳим Раҳим 2001 йил 22 ноябрда Тошкентда вафот этди.

Ўзининг куч-қувватини замондошларни юксак ғоялар руҳида тарбиялашдек улкан ишларга сафарбар этган, эл меҳрини қозонган адиб Иброҳим Раҳим ҳамон китобхонлар ёдидадир.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Худойбердиев Э. Иброҳим Раҳим // Адабий портретлар: Тўплам. – Т. : Ғ. Ғулом нашриёти, 1989. – Б.121-186.
2. Юрагида ёли бор эди // Халқ сўзи. – 2007. – 13 янв.
3. Маҳмудова С. Қуванинг асл фарзанди // Қалб садоси. – 2010. – №18. – Б. 3.

Тузувчи: Д.Қодирова